

# КАЛОМ ВА ТАСАВВУФ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Салимжон Эватов, PhD, катта ўқитувчи  
Фаргона давлат университети, Ўзбекистон, Фаргона ш.*

*Аннотация: ушбу мақолада калом ва тасаввуф фалсафаси, унинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мақолада тасаввуф ва калом фалсафаси илмий, фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.*

*Калит сўзлар: ислом, жамият, калом, тасаввуф, тасаввуф илми, диний дунёқараиш.*

**КИРИШ:** Ҳар бир мамлакат учун ўзининг ўтмиш меросини ўрганиш ва бу борадаги тадқиқотларни қўллаб-қуватлаш унинг ижтимоий соҳадаги ислохотларининг ажралмас қисми бўлиб келган. Янги Ўзбекистонда 2017 йилнинг ўзида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда исломнинг асл инсонпарварлик мақсадини жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиб беришга қаратилган Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди, қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишон”[1] ланиши ҳам юқоридаги ўзгаришларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ислом уламози Роғиб Саржоний таъкидлайдики, “илм сўзи Оллоҳнинг Китоби, Пайғамбар суннатида чеклов ва қайдларсиз мутлоқ келган. Демак, илм – юрт ободлиги, дунё яхшилиги, инсоният учун икки дунё саодатидир”[2]. Бу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, ислом илоҳиётининг ривожлантирган ва унда тугал теологик ёндашувларни шакллантирган омиллар, илмлар ва ҳаракатларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта аср теологияси ўз таркибига беш йўналишни, яъни калом, тасаввуф, машшоиюн, исмоилий ва ишроқийяни қамраб олади. Улар ичида калом илми муҳим ўрин тутди. Шу боис Шарқ теологик қарашларини ривожланишида унинг ўрни юқори ҳисобланади. Ислом дини ҳам калом илми орқали ўзининг юксак инсонпарварлик моҳиятини ва мукамал асосини кўрсатиб берди. Афсуски, ислом динининг энг муҳим, айна вақтда нозик масалаларидан бири бўлмиш ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илмининг юзага келиши ва унинг тараққиёт босқичлари, шунингдек, Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутакаллимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганишда ҳали етарлидаражада тадқиқотлар амалга оширилган, деб айтолмаймиз. Зеро, диний-ақидавий масалалар, уларнинг мазмун-моҳиятини, илмий асосларини пухта ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги давр учун амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ



Калом фалсафаси ислом илоҳиётининг энг юқори чўққиси ва фикрий тараққиётининг намунаси сифатида қадрланади. Калом сўзи “нутқ” ва “сўз” маъноларини англатади. Баъзи манбаларда “мунозара”, “баҳс”[3] маъноларини англатиши ҳам келтирилган. Умумий маънода диний-фалсафий мавзуларга бағишланган кенг мулоҳаза юритишга нисбатан ишлатилса, тор маънода эса – ислом ақидаларини фақатгина обрўли руҳонийлар фикрига эргашиб эмас, балки ақлга ҳам асосланиб талқин қилувчи фан сифатидаги илоҳиётни билдирган калом илми вакилларини мутакаллимлар деб аталган. Мутакаллимлар турли мактаблар ва гуруҳларга бўлинганлар, лекин уларнинг барчаси у ёки бу даражада рационализмдан фойдаланганлар. Уларнинг асосий мақсади барча воситалардан фойдаланган ҳолда ўз эътиқодларини исботлаш ва, энг муҳими, мусулмон аҳли учун мақбул бўлган исломий ақидалар тизимини яратишдан[4] иборат бўлган. Бу эса, теологик қарашларни соф ислом рационализи ва гносеологик ёндашувлари билан синтезлашувчини талаб қилган.

“Ислом энциклопедияси”да каломни ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилувчи оқим сифатида таърифланади”[5]. Шунингдек, калом илми пайдо бўлган вақтга келиб ақидага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатдан далил келтириш билан кифояланиб бўлмай қолган эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар эди. Бу даврда исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий қилган бўлиб, бу илм таркибий қисмларидан бирини ташкил қиладиган калом илми ҳам ўз тараққиёт босқичининг айна гуллаган даврига кирган эди. Айна вақтда барча илмлар қатори исломий илмларда ҳам ҳурфикрлик кенг ёйилиб, ўз нуқтаи назари ва қарашларини далил ва исботларга таяниб эмин-эркин ифода қилиш тенденцияси кучайди[6]. Айниса, бундан анча олдин пайдо бўлиб, кўпчилик ўлкалар каби Мовароуннаҳрни хилма-хил зиддиятлар ва ихтилофларга сабаб бўларди.

IX-X асрларга келиб қадимги юнон илмий меросини ислом Яқин Шарқда ўрганиш ва унинг кенг ёйилиши натижасида уларни турлича талқин этишга интилиш, масалан, муътазелийлар таълимоти ва унинг турли йўналишларининг вужудга келиши ҳамда уларни танқид этиш жараёнида пайдо бўлган фикрларни тизимга солиш заруриятга айланган. Бу эса, ўз навбатида калом илмини ривожланишига таъсир кўрсатган.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг теологик қарашларида шундай фикрлар билдирилган: “мутакаллимлар авом халқнинг ақидасини бидъатчилардан қўриқловчи, дедингиз, уларнинг даражасини эса, араб йўлтўсарларининг ҳужумидан ҳожиларнинг мол-мулкларини ҳимоя қилувчиларга қиёсладингиз. Бу билан фақиҳнинг даражасини султон каби баъзи одамлар баъзиларга қиладиган душманчилигини тўсадиган қонуннинг назоратчиси қилиб кўрсатдингиз, ҳолбуки, қўриқчилик ва назоратчилик дин илмига нисбатан анча паст даража. Миллатнинг фазилат билан машҳур бўлган уламолари фақиҳлар ва мутакаллимлардир”[7]. Шундай экан, калом илми ва мутакаллимларнинг ислом учун, унинг ақидалари ҳимояси учун қилган ишлари ислом илоҳиётшунослигини ривожлантирди.

Калом илми дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фирқаларнинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин вакиллари билан бўлган баҳслашишлар жараёнида шаклланган. Ислом даврининг дастлабки босқичларида жамиятнинг диний-ҳуқуқий асосларини турли дин ва халқларнинг миллий маданияти ташкил қилган. Ўзга динларда бўлгани каби исломнинг назарий-ҳуқуқий томонлари кейинги асрларда шакллана бошлаган. Чунки бу дин ўрта асрларда ўз атрофига араб бўлмаган – ажам халқларини ҳам бирлаштиришга улгурган. Шу туфайли исломнинг диний-ҳуқуқий таълимотини яратишда бу динни қабул қилган турли миллат ва ирқ вакилларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлган. IX аср ўрталарига келиб



исломда йирик оқимларни суннийлар, муътазилийлар, муржийлар, шиалар ва хаворижийлар ташкил қилар эди.

Муътазилийларнинг шаклланиш йиллари калом ривожланишининг биринчи даври ҳисобланади. Калом ривожланишининг иккинчи даври Абул Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотуридий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган. Ислом теологиясида етук уламолардан бири бўлган имом Абу Мансур Мотуридий бўлганлар. Мотуридий ислом миллати учун энг таҳликали бир пайтда мусулмонларнинг ақийдасини мардонавор ҳимоя қилган, мусулмонлар оммаси ақийдасининг тўғри йўлда, Қуръони Карим йўлида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаламнинг суннатлари йўлида, аҳли сунна вал жамоа йўлида собитқадам бўлишига сабаб бўлганлар”[8]. Муътазилийлар ҳақида Абдурауф Фитрат куйидаги фикрларни келтиради, “...бу мазҳаб камол топиб ривожланиб кетаверди, то шайх Абулҳасан Ашъарий майдонга чикмагунча ҳеч ким муътазилийларга ошкор гапира олмасди. Шайх Абулҳасан... аҳли суннат ақоидига оид китоб ёзади. Бу китобда мўтазилийларнинг эътиқод ва назарияларини ақлан кескин рад этади.... Бу муҳим воқеа 912 йилда воқеъ бўлиб, мўтазилия мазҳабига кучли зарба берилди”[9]. Абдурауф Фитрат хулосаларига кўра, Ашъарий суннат ақоидларини мудофаа ва муҳофаза қилиш мақсадида илми каломни илмий муомалага киритди. Шунингдек, “Айни шу жиҳатдан ҳар иккала олим асос солган таълимотлар аҳли сунна вал жамоа эътиқодий йўналишлар таркибидан ўрин олган. Шунингдек, улар яшаган даврга келиб, ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳ ва фирқаларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳол имон-эътиқод масалаларида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқаради. Шундай гуруҳлардан бири муътазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллардан ақлий далилларни устун кўяр эдилар. Натижада салаф ҳамда аҳли ҳадис уламолари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуг мутакаллим Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарий вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда бартараф этишда ўзига хос усулда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар”[10]. Абу ал-Ҳасан ал-Ашъарий (ваф. 935 й.) биринчилардан бўлиб калом билан ислом ақидаларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. У фикрда ва калом илмларида машҳур олимлардан саналган. Абу ал-Ҳасан ал-Ашъарий суннийликдаги тўрт мазҳабнинг иккитасига: шофийя ва моликийя мазҳабларига суянган[11]. Демак, ислом тарихида бу икки оқимнинг ўрни, ислом илоҳиётини ривожланиши ва бу орқали ақидаларни ҳимоялаш тизимини яратилиши, уларнинг диний-илмий мунозаралари муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ислом теологиясида мотуридия мактаби асосчиси Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, ислом дунёсида “ҳидоят йўли имоми”, “мутакаллимлар имоми” мартабасига муяссар бўлган, калом илмининг Самарқанд мактабини яратган машҳур илоҳиётчи ва аллома, калом, исломдаги йўналишлар, усул ал-фикҳ ва тафсир илмларининг билимдони бўлган. Шунингдек, Абу Мансур Мотуридий ўз даврида “Тўғри йўлга бошловчи имом” (Имомул ҳуда) ва “Икки мазҳаб дарғаси”га (Қудватул фариқайн, яъни ҳанафийлар ва шофийийлар) айлангани ҳақида маълумотлар манбаларда қайд этилган.

Абу Мансур Мотуридий илмнинг ибодатдан устунлигини ўзининг теологик қарашлари марказига қўйиб, бу муносабатга янги усул ва ғояларни олиб кириб, диний бетоқатлик, мутаассиблик анъаналарига диний донишмандликни қарама-қарши қўйган, инсон ва оламни Оллоҳга яқинлаштирди деб ҳисоблаб, диний жазава аҳли мўминларни бир-биридан узоқлаштиради деган фикрни илгари суриб, фисқу фасодларга жавобан ақлий етукликни тақлиф қилган.



Мотуридия мазҳаби дунё мусулмонлари ақийда бўйича тан олган икки мўътабар мазҳабнинг бири бўлган ва мусулмон оламининг ғарбий минтақаларида тарқалган. Икковларини аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг имомлари ўлароқ, ҳамма бирдек тан олган ва таълимотларига эргашиб, эҳтиром кўрсатишган. У кишининг мазҳабларида шарият асосларини, Ислом қоидаларини соғлом ақл асосида фаҳмлашга уринилади. Бу мазҳабда ақл билан нақл жамланади. Яъни ваҳий орқали келган ҳақиқатларни ақл билан ўрганилади[12]. Ҳар бир мусулмон Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадан бевосита ўзи фикҳий ҳукмларни чиқариб олиши, ҳамма бирдан мужтаҳидлик даражасига эришиши мумкин эмасди. Ўша ўзининг илми етмаган мусулмонларга биладиган биродарлари ёрдам беришлари лозим бўлган. Илмли кишилар бу борада қўлларидан келганча ҳаракат қилиб, баъзилари фикҳ илмида ҳам кўзга кўринган.

Муътазилийларнинг гарчанд ниятлари пок, мақсадлари холис бўлгани билан улар ақл билан нақл ўртасида ёки бошқача айтганда, дин билан фалсафа ўртасидаги мўътадил уйғунликка эриша олмаганлар. Аксинча, улар аксарият масалаларда фақат ақлга таяниб иш тутиб, юнон фалсафасига ёпишиб олганлар. Хаттоки, Қуръони карим оятларини идрок этишда бошқаларнинг қарашларига эргашиб, айрим ҳолларда нафақат Қуръон оятлари ва Пайғамбаримиз ҳадисларига, балки оддий соғлом фикрга хилоф бўлган ғояларни илгари суришган, муқаддас манбалардан фалсафага оид асарларни афзал кўриб, охир-оқибатда, бу асарларни ўз ақидаларининг ишончли манбаи сифатида қабул қилишган[13]. Калом илмига оид бошқа қатор масалаларда ҳам муътазилийлар шу тарзда бир томонлама йўл тутганлар.

Абу Муъийн Насафий ўзининг “Табсира”сида Абу Наср Иёзий раҳматуллоҳи алайҳини таърифлаб қуйидагиларни ёзади: “у киши илмда тубсиз эди. Фуруъ ва усулда унга ҳеч ким тенг кела олмас эди. Ким у зотнинг сифатлар масаласида ёзган китобига ва унда аҳли ҳақнинг гапи тўғрилигига, мўътазилийларнинг гапи ботиллигига келтирган далилларга назар солса, унинг бу борада денгиз бўлиб кетгани ҳақида маърифат ҳосил қилади”[14]. У ислом оламида турли ўзгаришлар авж олган, хусусан, ҳар хил ақийдавий фирқалар, тоифалар кўпайиб, бир-бири билан тортишиб юрган бир пайтда яшаганлиги ҳам унинг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатади.

Мотуридий инсоннинг бир нарсани била олиши фақат мавжуд нарсаларни ўрганиш ва текшириш воситасидагина амалга ошишини эътироф этган. Унинг фикрича, билиш ақл ва унинг назоратида ривожланган тажриба ва кузатиш орқали қўлга киритилиши мумкин. Унинг фикрича, тажриба нарсалар моҳиятини тушунишнинг фақат бир қисмидир. Бошқа қисмларини ақл ва зеҳн унсурлари ташкил этади. Ақл инсонга берилган сўнгги ва айни бир вақтда чекланган бир ҳуқуқдир. Шу сабабдан ақл ва тажриба билан билиб бўлмайдиган нарсалар мавжуд бўлиб, улар бошқа маълумотлар орқали ҳосил қилиниши мумкин. Бундай маълумотлар қаторига Мотуридий инсон қалбида туғилиши мумкин бўлган илҳом лаҳзаларини киритган. У инсонни тафаккур қилиш қобиляти борлиги туфайли илоҳий мавжудот, деб ҳисоблаган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ислом теологиясида ўз ўрнига эга бўлган аллома Ашъарий ўзининг илоҳиётшуносликка оид қарашларида ақлий усулни қўллаб, тақдирга ишониш ва ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотни ички қарама-қаршилигини ҳал қилмоқчи бўлади ва бажариш назарияси яратилади. Бу назарияга мувофиқ қазо худонинг азалий ва умумий иродаси бўлиб, қадар эса, худонинг ҳукмини дунё ҳодисаларига нисбатан қисман қўлланилиши эди. Бу назарияга кўра, фаолият



худо томонидан яратилади, аммо ирода эркинлигига эга бўлган инсон томонидан бажарилади ва қўлга киритилади. Гарчи ашъарийлик оқими ўзини ошкора муътазилийлардан ажратган бўлса ҳам, аммо улар учун умумий бўлган ирода эркинлиги ва ақлий йўналишда боришда давом этган.

Ахлоқий нормаларни ажратишда, яъни яхши билан ёмонни ажратишда ҳам қарашлар ворисийлик асосида асрлар давомида тўлдирилиб борилган ва кучли баҳс-мунозараларни юзага келтирган. Муътазилийлар фикрича, инсон ваҳийдан олдин ҳам ёки ундан қатъий назар, нима яхши ва нима ёмонлиги ҳақида ақлга таяниб, ҳукм чиқара олади. Бироқ ашъарийлар буни яратувчининг иродасига боғлайдилар. Яъни яхшилик ва ёмонлик масаласида ақл ёрдамида эришилган илми инкор қилишган. Агар яратувчи бирор нарсага яхши сифатида ишора берса, ўша яхши, ёмон деб таъқиқласа, ўша ёмон сифатида муносабат билдирилади. Шундай қилиб, Ашъария мактабининг асосий вазифаси калом ва ахлоқий қарашларга фалсафий тус бериш бўлган. Бу соҳада ушбу мактабнинг йирик вакиллари бўлган Боқиллонийдан тортиб, Шаҳристонийгача фикрий тафовутлар кам эди.

Бошқа бир мутафаккир Жувайний баъзи каломий тушунчаларни ва Ашъария мактаби билиш назариясини ўзининг “Ал-иршод” китобда тўлдиради ва такомиллаштиради. Шунингдек, Шаҳристоний энг тўғри ва нотўғри ақидалар ҳақида араб тилида “Ал-милал ван-ниҳал” номли китоб ёзган. Бу китобнинг иккинчи қисми юнон фалсафасидан қайта ишланган исломий руҳдаги дунёқарашни яратиш нуктаи назаридан қимматли манбадир. Бундан ташқари Шаҳристоний илоҳиёт соҳасида “Ниҳоят ул-икдом” номли тўплам ёзган. У калом илми бобида анаъанавий қарашларга унчалик жиддий янгилик киритмасида, мантиқий ва услубий жиҳатдан ундан олдин ёзилган рисоалардан афзалроқдир.

Файласуфларнинг ўзи калом билан фалсафа ўртасидаги асосий фаркни мулоҳаза юритиш услубида кўрадилар: фалсафада аподиктик (далилий) мулоҳазалар қўлланилган бўлса, каломда илзом усули, яъни диалектик мулоҳазалардан фойдаланилган. Калом илмида ҳам, фалсафада ҳам гносеологик, эпистемологик ва методологик масалаларга катта эътибор берилган. “Калом илмининг вазифаси инсон қалбига хос бўлган, имон-эътиқод борасидаги шубҳа ва гумонларни йўқ қилишга хизмат қилувчи исломий ақидаларнинг тўғрилигини ақлий далиллар орқали илмий асослашдан иборат бўлган. Шунингдек калом илми исломий билимлар ичида ваҳий йўли билан нозил бўлган диний ақидаларни мантиқий исботлаш учун тадқиқ этиш жараёнида баҳс юритишни, фикрлашни (назар) ва ақл юритишни (истидлоли ақлий) метод сифатида қўллаш мумкин бўлган муҳим илм ҳисобланган”[16].

Абул Ҳасан ал-Ашъарий каломни ислом ақидапарастлари билан муросасозлик йўли орқали қонунийлаштиришга ҳаракат қилган. Гарчи, ашъарийлик оқими ўзини ошкора муътазилийларга қарама-қарши қўйган бўлса ҳам, улар муътазилийларнинг умумий рационалистик йўналишини давом эттирдилар, шунинг учун муътазилийлик ва ашъарийлик ўртасида ўтиб бўлмас чегара бўлган. Зеро, “мотуридия ва ашъария таълимотлари орасидаги жузъий фарқлардан қатъи назар, Мотуридийнинг ҳам, Ашъарийнинг ақидавий қарашлари ўзаро низоларга, катта ихтилофларга етакловчи омил бўлмаган”[17]. Балки аксарият уламолар эътироф этганларидек, ушбу икки таълимотнинг қарашлари бир-бирини тўлдирувчи, мустаҳкамловчи омил бўлган.



Ўрта аср ислом теологик фикрлаш тарзининг ривожланиши биланок, бу минтақада унга мансуб турли мазҳаблар, ақидавий оқимлар ва фикрий йўналишлар ҳам такомиллаша бошлаган.

Шарқ ва Ғарбнинг бир гуруҳ машҳур ҳуқуқшунос олимлари ва файласуфлари томонидан ёзилиб, улар жумласидан Мажид Ҳаддурий ва америкалик Ҳерберт Ж.Либесни томонидан тартибга солиниб нашр этилган “**Исломда ҳуқуқ**” номли муҳим китобда, фикр – ислом ҳуқуқига юксак баҳо берилиб, ислом қонуни исломнинг руҳи, марказий ядроси ва мағзи деб аталган[18]. Уларнинг фикрича, исломқонуншунослиги ислом ақидавий таълимоти доирасида юзага келган бўлса ҳам, бошқа миллатлар ва халқларга сингиб кетган турли урф-одат материаллари асосида бойитилган.

Ўтмишда исломий жамиятларни ўз таъсирига олган табиий, иқлимий омиллардан ташқари, яшаш шароитлари, унда мавжуд бўлган сиёсий ва ижтимоий йўналишлар, шариат ривожини учун тарихий омиллар бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, ислом дини тарқалиш доирасининг кенгайиши, турли-туман маданиятларга эга бўлган этник жамоаларнинг ушбу динни қабул қилиши ҳам бу соҳада ўз таъсирини ўтказган. Биринчи уч аср давомида айтиб ўтилган омиллар таъсири остида мусулмон ўлкаларда қурилган давлатларнинг турли муассасалари ва сиёсий фаолият тамойиллари шаклланди. Буларнинг ҳаммаси ислом қонунчилигининг ривожидан чуқур из қолдирди.

Фикр илми асосида шаръий манбалар аниқланиб, суннийлик оқимида тўртта асосий мазҳабнинг ҳар бири ўзига хос йўналишни белгилаб олган ҳолда, ривожланиш ва тарқалиш босқичларини босиб ўтди. Ундан сўнг, ушбу мазҳаблар доирасидан чиқмаслик, фақиҳлар ва мазҳаб тарафдорлари учун тақлид этилиши зарур бўлган бир анъанага айланиб қолди. Ҳар бир мазҳаб тарафдорлари ўша мазҳаб бўйича ўз имомлари изидан бориши зарур деб топилди.

Ўрта асрлар ислом теологиясида тасаввуф илми муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аслини олганда, тасаввуф ислом Шарқида араб бўлмаган халқлар томонидан яратилган диний-фалсафий таълимот сифатида эътироф этилган ва у асосан минтақанинг форсийзабон ва туркийзабон халқлари дунёқараши ва маънавий олами ўз аксини топган. IX-XV асрлар давомида тасаввуф илми ва таълимоти дастлаб амалиёт билан бошланиб, сўнгра назария билан қайта мустаҳкамланди ҳамда ўрта аср жамиятининг турли қатламларига кириб бориб, ўзига хос ижтимоий ва ғоявий институт, диний-фалсафий таълимот сифатида аксарият Шарқ халқларининг маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди ва ҳатто баъзи даврларда етакчилик ҳам қилди. Тадқиқотчи Жаъфар Холмўминовнинг фикрига кўра, “тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқида рационал фалсафа турлари – Қадимги Юнон фалсафаси (Шарқ аристотелизми ва неоплатонизм) ва Ислом теологияси – Калом фалсафаси (Мўътазилия, Ашъария, Мотуридия, Ботиния)дан сўнг фалсафий тафаккур оламида мутлақ иррационал ҳисобланган учинчи йўналиш – *Ирфон фалсафаси*ни бошлаб берди ва ҳатто тўртинчи йўналиш – Ишроқ фалсафасининг шаклланишида ҳам (Шайх Шаҳобиддин Яҳё Сухравардий таълимоти мисолида) фаол қатнашди[19]. Юқоридаги келтирилган иқтибос орқали тасаввуфнинг ислом шарқида вужудга келган теологик ва гносеологик қарашларга таъсир кўрсатгани ҳақидаги хулосага келишга асослар етарлидир.

Мусулмон фалсафасида тасаввуф инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққани, ахлоқий покликни тарғиб этган, шу билан бирга у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга



ғарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келган. С.М. Хотамий фикрига кўра, “тасаввуфнинг бош вазифаси борликка эмпирик маъно бериш, унинг зоҳирий кўринишидан, яъни атроф муҳитдан халос бўлиш, ҳиссиётлар ва ақлдан ташқари турувчи руҳий-маънавий ҳақиқатни топишга кўмаклашадиган психологик ва амалий усулни танлашдир. Охир-оқибатда тасаввуф яхлит илоҳий вужуд билан кўшилиб, оламнинг олий ҳақиқатига эриб, қоришиб кетишни даъво қилади”[20]. Шарқшунос олимлар тасаввуфнинг фалсафий асосларини, дунёқараш сифатидаги моҳиятини аниқлаш мақсадида турли йўللاردан борганлар. Масалан, Ғарб шарқшунослари тасаввуфга доир манбаларни христиан мистикасини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган тушунча ва усуллардан фойдаланган ҳолда, тасаввуфга оид материалларни уларга маълум бўлган христиан мистицизмни ўрганиш тажрибаси билан таққослаб, фарқларини, ўзига хослигини аниқлашга ҳаракат қилишган.

Тасаввуфдаги илоҳий муҳаббат орқали Оллоҳга етишиш ва эзгуликка интилиш орзуси Исломга янги жозиба ва маънавий янгиланиш бағишлаган бўлса, иккинчи томондан хатарли натижаларга олиб келиши ҳам мумкинлиги ҳақидаги фикрлар мавжуд бўлган. Масалан, бутунлай озодликка эришиш ва Оллоҳ билан юзма-юз кўришиш талаби у дунёдагина эмас, балки бу дунёда рўй беришини тақозо қилиш имконияти бор эди. Бундай талаб инсон руҳини шундай дағалликларга ҳам олиб келиши мумкин эдики, ундан кутулиш ҳаммага ҳам насиб эта бермас эди. Айни шундай қарашлар тасаввуфнинг кейинги даврлардаги тараққиётида намоён бўлган. Хусусан, тасаввуфнинг фалсафалашини даври деб эътироф этилган XIII-XIV асрларда бир қатор Ибн ал-Арабий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, Фаридиддин Аттор, Азизиддин Насафий, Яҳё Сухравардий, Ибн Сабоин, Абдураззоқ Кошоний, Абдулкарим Жилий, Маҳмуд Шабустарий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Абдулқодир Бедил каби мутафаккиру мутасаввифлар етишиб чиқиб, тасаввуфни фалсафа ва теология(илоҳиётшунослик) билан боғлашга ҳаракат қилдилар. Буларнинг ижодида олам ва одам ҳақида ўйлар, қазову қадар, эрк ва ихтиёр, суврат ва маъно, ақл ва рух, вақт ва замон, инсон тийнати хусусида кўплаб янги қарашлар баён этилган. Бу зотлар илоҳийшунослик(теологияни-таъкид бизники. И.С)ни бутунлай янги поғонага кўтардилар[21]. Тасаввуф тарихида Халлождан кейинги энг йирик шахслар Ғаззолий ва Ибн Арабийдирлар. Маълумки, Ғаззолий ўзининг фикрий ва руҳий эҳтиёжларини тасаввуфдан топиб, бу соҳада ўз устозлари сифатида Жунайд Бағдодий, Абу Толиб Маккий, Абу Язид Бистомий ва Абу Бақр Шиблийларни танлаган. Албатта Ғаззолий ўзининг фикрий қамрови жиҳатидан бу тўрт шахсдан қиёслаб бўлмас даражада юқори турган.

Тасаввуфнинг асосий хизмати шундан иборатки, у “имон” тушунчасини шакллантиради ва уни “билимдан” фарқлайди. Ундан ташқари тасаввуф Оллоҳни билиш муаммосига доир далиллар ишлаб чиқди. Моддий дунё нарса ва ҳодисалари ҳақида рационал билим бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб беради, уларга нисбатан фақат “имон” тушунчаси ишлатилиши мумкин, улар ҳақидаги “билим” эса иррационал ва шахсий бўлиши мумкин, лекин у илмий ва асосланган бўлмайди[22]. Мана шундай ёндашувлар асосида илмий фаолиятга доир ёндашувларда хулосавий фикрлар шакллана бошлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” асарида тасаввуфнинг вазифаларини қуйидагича келтиради.

1. Муҳаққақ уламолар тасаввуфни “ботиний фикҳ”, яъни “ички фикҳ” дейдилар.

Ибодатларни адо этиш жарайнида қалбни қандай тутиш кераклигини, хушув ва хузуъни



қандай адо этиш лозимлигини оят ва ҳадислар ҳамда ижмоъ ва қиёс асосида ботиний фикр илми – тариқат баён қилиб беради.

2. Тасаввуф ақоид илмига ҳам яқиндан боғлиқлиги бор. Маълумки, ақоид илми эътиқод масалаларини муолажа қилиб, одатда бу борадаги бош масалалар ҳақида баҳс юритиб, ҳар бир масала бўйича оят ва ҳадислардан далиллар келтиради. Аммо бу илмда ҳис-туйғу, завқу шавқ, қалбий масалалар баёнига кўп аҳамият берилмайди. Тасаввуф эса айнан шу масалаларга катта эътибор қаратади.

Тасаввуф “қалб”, “руҳ”, “”ақл” ва “нафс” каби маъноларни алоҳида эҳтимом ила тушунтиради ва уларнинг ҳар бирига мусулмон банда қандай муносабатда бўлиши зарурлигини баён қилиб, ўша баённинг татбиқ қилинишини ҳам йўлга қўяди[23]. Шундай экан, тасаввуф илмини ислом дунёсининг илмий ва интеллектуал фаолиятида муҳим ўрин тутганлигини ва мутасаввуф олимларнинг асарлари асосида ислом дунёқараши бурмунча ошганлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, тасаввуф Ислом динининг теософияси, унинг диний фалсафаси ҳамдир. Тасаввуф динга нисбатан фалсафа, фалсафага нисбатан диний таълимотдир[24].

Ўрта аср Шарқ теологик қарашларининг ривожланиши ва ўзининг ақидавий асосларини яратишида ҳадис илмий ҳам муҳим аҳамиятга эга ва унда мазмунли давр бўлган ва “олти саҳиҳ тўплами” вужудга келган. Мазкур ҳадислар тўпламини ёзган муҳаддисларга Исмоил ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, Абу Исо ат-Термизий, Аҳмад ан-Насоий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Можжа каби муҳаддисларни киритиш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур ҳадис тўпловчи олимларнинг кўпчилиги Марказий Осиёлик бўлиб, бу ерда ҳадис илмидаги ворисийлик анъаналари кучли сақлаб қолинганлиги, кадрлаганлиги ва кейинги авлодга етказиш масъулияти муҳаддислик илмидан кучли вакилларнинг чиқишига асос бўлган. Шундай экан, маълум бир даврда бир ҳудудда илмий фаолиятнинг ривожланиши билан бирга ворисийлик анъаналари ҳам шакланса, шу ерда илмий уйғониш ва интеллектуал ривожланиш юзага келган. Марказий Осиёда ҳадис илмида ворисийлик анъаналари асосида мактабнинг вужудга келиши ҳам муҳаддислик илмининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Бутун дунё халқларининг маънавий раҳнамоларидан бўлган икки денгиз: Ҳаким Термизий ботин – тасаввуф илмлари денгизи, Имом Термизий эса зоҳир – шариат илмлари денгизидир. Лекин ҳар икковларида ҳам икки соҳа илмларининг улуғ насибаси бор[25]. Яъни уларнинг ҳар иккиси ҳам тасаввуфдан, ҳам шариат илмида алоҳида китоблари борлиги тахмин қилинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир шароитда, ислом теологиясини ҳам ўрганиш, ўрта асрлар ислом дунёси илоҳиётшунослигининг вужудга келишига таъсир кўрсатган омилларни чуқур ўрганиш муҳим ижтимоий талаблардан бири эканлиги келиб чиқади. Зеро, “биз кўплаб илм-маърифат соҳаларидаги каби, тасаввуфда ҳам пешқадам бўлган юртнинг фарзандлари эканимизни эсдан чиқармаслигимиз керак”[26]. Бу юртнинг фарзандларидан баъзилари ислом оламида маълум ва машҳур бўлган Нақшбандийлик, Кубровийлик ва Яссавийлик каби тариқатларга асос солганларини англаб етишимиз лозим.





## ХУЛОСА

Хулоса қилганда, ислом теологиясининг шаклланиши ва ўзининг юксак ривожланиш босқичига чиқишида ўша даврнинг исломий илмий-фалсафий оқимлари, йўналишлари ва ҳаракатларининг ўрни юқори ҳисобланган. Улар ўртасида юзага келган фикрий қарама-қаршилиқлар, ғоявий курашлар, баҳс-мунозаралар уларнинг концептуал асосларини мустаҳкамланишига, кучли ҳимоячилар ва назариётчи мутафаккирларнинг етишиб чиқишига замин яратган. Шунингдек, исломдаги калом илми, сўфийлик ҳаракати, фикҳ ва фалсафа ўртасидаги ғоявий курашлар бир томондан уларнинг мустаҳкам асосини яратиб берган бўлса, бошқа томондан ислом теологиясини ривожланишига асос бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 6.
2. Сиржоний Р. Ислом ва олам. –Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2018. –Б. 14.
3. Corbin H. Histoire de la philosophic islamique. –Paris: 1964.–P.73.
4. Прозоров С.М. Введение // Аш-Шахрастани Мухаммад ибн Абд ал-Карим. Книгаорелигияисектах. Ч.1.- Москва:Наука, 1984.– С.12.
5. Ислом энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2004. –Б. 134.
6. Буюк юрт алломалари.Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулла Уватов. –Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2016. -Б. 96.
7. Ғаззолий, Абу Ҳомид Мухаммад ибн Мухаммад. Ихё улум ад-дин. Таржимон Мубашшир Аҳмад. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. –Б.54.
8. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Nilol-nashr”, 2019. –Б. 4.
9. Фитрат А. Нажот йўли.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – Б. 46-48.
10. Оқилов С. Мотуридия ва Ашъария таълимотлари тарихи. –Тошкент: MOVAROUNNAHR, 2015. –Б. 6.
11. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси / Масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 2000. — Б. 7.
12. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Nilol-nashr”, 2019. –Б. 109-112.
13. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Nilol-nashr”, 2019. –Б. 111-112.
14. Буюк юрт алломалари.Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулла Уватов. –Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2016. -Б. 93.



15. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Hilol-nashr”, 2019. –Б. 69.
16. Сайидахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Ф.ф.н... дис. автореферат.- Тошкент, 2009.–Б.13.
17. Оқилов С. Мотуридия ва Ашъария таълимотлари тарихи. –Тошкент: Movarounnahr, 2015. –Б. 86.
18. Мажид Ҳаддурий ва Ҳерберт Ж.Либесни.“Исломда ҳуқуқ”. Шарқ ва Ғарбнинг 12 та машҳур ҳуқуқшунос, исломшунос ва шарқшунос олимлари. Шу жумладан, Муҳаммад Абу Захра, Субҳий Муҳассамоний, Шукрий Қардоший, Абул Аъло Мордин, Жозеф Шахт ва бошқалар. – Нью-Йорк: 1955. –Б.34.
19. Холмўминов Ж. Қиёсий тасаввуфшунослик.(Монография).Т.: “Yosh avlod matbaa”,2021. –Б.32.
20. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан.- Тошкент: Минҳож, 2003.-Б.51-52.
21. Комилов Н. Тасаввуф. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. –Б. 249.
22. Фролова Е.А. История средневековой арабо-мусульманской философии. – Москва: ИФ РАН, 1995. –С. 161.
23. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент: “Hilol-nashr”, 2016. -Б.66-68.
24. Холмўминов Ж. Тасаввуф фалсафаси. Тасаввуф онтологияси. (Ўқув қўлланма).Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2021. – Б.8.
25. Кенжабек Мирзо. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДАН, 2017. –Б. 7.
26. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент: “Hilol-nashr”, 2016. -Б.279.
27. Ismoilov, I. (2022). ABOLITION OF THE DEATH PENALTY IS A SIGN OF A CIVILIZED DEMOCRATIC STATE. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 795-799.
28. Azamjonovich, I. I. (2022). CRIME AND PUNISHMENT SOCIAL PHILOSOPHICAL FEATURES OF INTERNATIONAL AND NATIONAL EXPERIENCES. *Conferencea*, 407-409.
29. Ismailov, I. (2021). LIBERALIZATION OF CRIMINAL PENALTIES IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS. *Интернаука*, 10(186 часть 2), 101.
30. С.Эватов. (2023). ТЕОРИЯ ВАХДАТ УЛ-БУДЖУД В СУФИЗМЕ. *Scientific Journal of the Fergana State University*, (4), 36. [https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol\\_iss4/a36](https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol_iss4/a36)
31. Evatov, S. (2022). THE ESTABLISHMENT OF SUFIS AND PHILOSOPHICAL DOCTRINE IN CENTRAL ASIA. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 9-19.



32. Evatov, S. S., & Siddikov, I. B. (2020). SOCIAL AND PEDAGOGICAL INFLUENCE OF SUFISM ON THE FORMATION OF MODERN YOUTH. In *I Международный форум "Богословское наследие мусульман России"* (pp. 224-227).
33. Evatov, S. (2022). IDEAS OF HUMANITY AND THEIR STUDY IN CENTRAL ASIAN SUFISM. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 20-32.
34. Evatov, S. (2022). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF ADOLESCENT STUDENTS ON THE BASIS OF FAMILY AND SCHOOL COOPERATION. *Science and Innovation*, 1(3), 182-190.
35. Evatov, S. (2022). REVIEW OF RESEARCH ON THE FORMATION OF MYSTICAL AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN CENTRAL ASIA IN IX-XII CENTURIES. *Science and Innovation*, 1(3), 311-318.
36. Evatov, S. (2023). HUMANITY IN THE DOCTRINE OF SUFI IDEAS AND THEIR PRESENTATION THE ESSENTIALS OF THE DAY. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(5), 73-77.
37. Evatov, S. (2023). THE INFLUENCE OF GREEK PHILOSOPHY AND NON-ISLAMIC TRADITIONS ON THE FORMATION OF MYSTICAL TEACHINGS IN CENTRAL ASIA. *International Bulletin of Engineering and Technology*, 3(5), 29-32.
38. Evatov, S. S. (2023). History of Emergence of Mystical and Philosophical Teachings in Central Asia. *American Journal of Science on Integration and Human Development*, 1(3), 27-30.
39. Evatov, S. (2020). The Role Of Philosophical Traditions In The Interaction Of Official Islam And Mysticism In Khorasan And Central Asia. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 2(6), 107-112.
40. Ганиев, Б. С., & Эватов, С. С. (2020). ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ИСЛАМСКО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО (СУФИЙСКОГО) УЧЕНИЯ НАКШБАНДИЯ В ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ. In *I Международный форум "Богословское наследие мусульман России"* (pp. 253-256).
41. Evatov, S. (2020). THE EXPRESSION OF THE IDEAS OF ASCETIC THINKING AND ALTRUISM IN CENTRAL ASIAN MYSTICISM. *InterConf*.
42. Evatov, S. (2019). About The Synthesis Of Ibn Sina's Philosophical Teachings With Mysticism And Aristotelism. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 1(7), 174-179.

